

3-20-2019

TECHNOLOGY OF CREATING MODERN ELECTRONIC EDUCATIONAL RESOURCES

D.E Toshtemirov

Gulistan State University, toshtemirov73@mail.ru

J.D Saidov

Gulistan State University

Sh.X Mamatqulov

Gulistan State University

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/gulduvestnik>



Part of the [Higher Education Administration Commons](#)

Recommended Citation

Toshtemirov, D.E; Saidov, J.D; and Mamatqulov, Sh.X (2019) "TECHNOLOGY OF CREATING MODERN ELECTRONIC EDUCATIONAL RESOURCES," *Bulletin of Gulistan State University*. Vol. 2019 : Iss. 1 , Article 17.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/gulduvestnik/vol2019/iss1/17>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Bulletin of Gulistan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

УДК 372.851: 372.800.2

ЗАМОНАВИЙ ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ РЕСУРСЛАРИНИ ЯРАТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Д.Э.Тоштемиров, Ж.Д.Саидов, Ш.Х.Маматкулов

Гулистон давлат университети

E-mail: *toshtemirov73@mail.ru*

Ахборот-коммуникация технологияларининг шиддат билан ривожланиш даражаси таълим тизимида замонавий компьютер технологияларига асосланган электрон ахборот таълим ресурсларини яратиш ва улардан ўқув-методик, илмий-тадқиқот ҳамда малака ошириш жараёнларини ташкил этишда фойдаланиш лозимлигини кўрсамоқда.

Республикамизда узлуксиз таълим муассасаларида олиб борилаётган ислохотлар таълим жараёнининг сифатини ошириш, юқори малакали рақобатбардош қардлар тайёрлашга йўналтириш ва замонавий ривожланиш тенденцияларни эътиборга олган ҳолда узлуксиз такомиллаштириб боришга алоҳида эътибор қаратилган.

Тадқиқот объекти ва қўлланилган методлар

Таълим тизимида замонавий ахборот технологияларининг тадбиқи, таълим муассасаларида ўқув-методик базани (дарсликлар, ўқув қўлланмалари, методик қўлланмалар, электрон ўқув адабиётлари) замонавий талабларга мос ҳолда яратиш ҳамда фан-техника ва иқтисодиёт соҳаларидаги ютуқларни эътиборга олган ҳолда доимий мазмунан янгилаб туришни тақоза этади. Бу борада электрон таълим ресурсларини яратиш ва улардан таълим жараёнида самарали фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади. Тадқиқот ишида кузатиш, таққослаш, тажриба ўтказиш ва умумлаштириш методларидан фойдаланилди.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили

Ўқув жараёнида босма шаклидаги ўқув адабиётлари билан бир қаторда электрон ўқув адабиётларидан фойдаланиш замонавий таълим тизимининг муҳим талабларидан бири ҳисобланади. Электрон ўқув адабиётларидан фойдаланилганда ўқув жараёни юқори даражада кўрғазмали материаллар билан бойитилади (Абдуқодиров, Пардаев, 2009).

Таълим муассасалари учун электрон таълим ресурсларини яратиш, яратилган таълим ресурсларидан ҳамкорликда фойдаланиш, тезкор ҳолда таълим ресурсларини янгилаб туриш ҳамда улардан таълим олишда, малака оширишда, талабалар ва аҳолининг турли қатламлари орасида миллий истиқлол ғоялари, амалга оширилаётган умумдавлат миқёсидаги ислохотларга оид ишларни тарғиб этишни амалга оширишда фойдаланишни йўлга қўйиш долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Электрон таълим ресурсларини яратиш орқали турли таълим муассасаларининг ахборот-ресурс марказлари манбаларидан ҳамкорликда фойдаланиш, ўқувчилар ва талабалар орасида таълим бериш билан бирга ёшлар орасида маънавий-тарбиявий ишларни олиб бориш сифатини оширишга имконият яратилади.

Электрон таълим ресурсларини яратишдан асосий мақсад узлуксиз таълим тизими имкониятлари ва талабларини эътиборга олган ҳолда узлуксиз таълим муассасаларида ягона ахборот-таълим муҳитини яратиш, ўқув-методик, ахборот-ресурс марказлари базаларидан самарали фойдаланиш тизимини ишлаб чиқиш, таълим олувчилар орасида турли йўналишларда мақсадга йўналтирилган тадбирларни амалга ошириш, педагогларнинг касбий малакасини масофавий ўқитиш усуллари асосида амалга ошириш механизминини ишлаб чиқишдан иборат.

Тармоқ технологияларида таълим тизими учун яратилган электрон таълим ресурсларини ва улардаги ўқитиш тизимлари камида учта қисмдан иборат бўлиши талаб этилади. Уларга таълим бериш, машқлар бажариш ва назорат қилиш қисмларини кўрсатиш мумкин (Абдуқодиров, Пардаев, 2009).

Электрон таълим ресурсларининг матнли материалларини баён қилишда гиперматнлардан фойдаланилади. Матнли материаллар орасида таянч тушунча ва иборалар алоҳида-алоҳида саҳифаларда баён қилинади. Мавзуга мос кўрғазмали материаллар, тақдимот материаллари ва назорат учун тест вариантлари тавсия қилинади.

Электрон таълим ресурсларида ҳам бошқа ахборот таълим ресурсларни яратишдаги каби дидактик қоидаларга яъни тавсия қилинадиган ўқув материали мазмунини асословчи ва кенг ёритувчи

хамда таълим беришнинг ташкилий шакллари ва усулларига асосий эътибор бериллади. Ўқув жараёнида дидактик талабларга ўқув материалларнинг тизимлилиги, кўргазмалилик, тушунарлилики, билимларнинг кетма-кетлиги ва узвийлиги каби кўрсаткичларни келтириш мумкин. Ҳар бир яратилаётган ахборот ресурс материаллари юқорида қайд этилган талаблар асосида яратилиши лозим (Алексеев ва бошқалар, 1998).

Электрон таълим ресурсларини яратиш масаласини умумий ўрта таълим мактабларида ўқитилаётган “Информатика ва ахборот технологиялари” предмети мисолида келтирамиз. Бу жараён куйидаги босқичларда амалга оширилади:

Биринчи босқич. Биринчи босқичда Информатика ва ахборот технологиялари предмети ўқитишнинг ўқув-методик материаллари ўрганиб чиқилади ва улар бўйича керакли маълумотлар тўпланлади. Яратилаётган электрон таълим ресурслари Информатика ва ахборот технологиялари предмети ўқув машғулотларини самарали ташкил этишга, мустақил таълим олишга, ўзлаштирилган билимларни назорат қилишга мўлжалланиши назарда тутилади. Информатика ва ахборот технологиялари фани ўқитувчиларига эса ҳар бир назарий ва амалий дарс ўтишларида методик қўлланма сифатида фойдаланишлари белгилаб олинди. Электрон таълим ресурсларининг мазмуни таълим муассасаларининг ДТС талаблари, ўқув дастурлари мазмуни ва мақсадига мос келиши таъминланади.

Иккинчи босқич. Бу босқичда электрон таълим ресурсларини тавсия қилиш ва ундан фойдаланиш бўйича асосий мақсадлар белгилаб олинади. Асосий мақсадлар мазмуни куйидагилардан иборат:

- Информатика ва ахборот технологиялари предмети ўқув материаллари тўлиқ электрон вариантларда, кўргазмали ва анимацион воситалар ёрдамида таълим олувчиларга етказиб бериш;
- таълим олувчиларга индивидуал таълим материалларини тавсия қилиш ва уларнинг билимларини баҳолаш;
- ҳар бир мавзуга мос назарий материалларни, таянч ибора ва тушунчаларни изоҳли лугатлардан фойдаланиб ўрганишни ташкил қилиш;
- ўқитувчилар учун Информатика ва ахборот технологиялари предметининг ҳар бир мавзуси юзасидан услубий кўрсатмалар тавсия қилиш;
- ҳар бир дарсларни интерфаол усулларда ташкил қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;
- ўқувчилар учун индивидуал топшириқлар беришни ташкил қилиш ва уларнинг ўзлаштириш даражаларини аниқлаш;
- ўзлаштириш натижаларига мос ҳолда амалий ва лаборатория топшириқларини тавсия қилиш.

Учинчи босқич. Бу босқичда электрон таълим ресурсларининг мазмуни аниқлаш учун мундарижа тузиб, тавсия қилинаётган маълумотлар базаси мазмуни режалаштирилади.


Тўртинчи босқич. Бу босқичда электрон таълим ресурсларини яратишда дастурий воситаларидан фойдаланиш мазмуни ёритилади. Электрон таълим ресурсларини яратишда куйидаги дастурий воситалардан фойдаланилади:

- матнли материаллар HTML (Hyper Text Markup Language – Гипер матнли белгилаш тили) вариантига ўтказилиб, гиперматнлар орқали гипералоқалар ўрнатилади;
- маъруза материалларини тавсия этишда ҳар бир асосий саволлар ниҳоясида тест синови асосида назорат ишлари ўтказишни йўлга қўйиш (HTML имкониятларидан фойдаланиб);
- ҳар бир мавзуга оид ўзига хос кўргазмали материаллар ва ҳаракатли (анимацион) объектлар ҳосил қилиш (PowerPoint, Macromedia Flash, Dreamweaver дастурлари имкониятидан фойдаланиб).

Информатика ва ахборот технологиялари фани бўйича яратилган электрон таълим ресурсларининг таркибий тузилиши куйидаги расмда тасвирланган (Тоштемиров, 2015).

Электрон таълим ресурслари ўқув жараёнида мустақил таълим машғулотларини самарали ташкил қилишда алоҳида аҳамият касб этади. Электрон таълим ресурсларидаги компьютернинг дастурий воситалари асосида яратилган ўқув-услубий материаллар ва электрон дарсликлардан фойдаланишдан асосий мақсад замонавий ахборот – таълим услубини шакллантириш, замонавий ахборот-педагогик, ахборот ва компьютер технологияларини қўллаш орқали таълим жараёнининг самарадорлиги, сифати ва унумдорлигини ошириш, узлуксиз таълим тизимида замонавий ўқув манбалари электрон ўқув дарсликларини кенг қўллаш, уларнинг маълум маънода кутубхоналарини

ташкил этиш, таълимнинг масофадан ўқитиш усуллари амалда жорий этиш ва умумжаҳон электрон ўқув тизимига киришдан иборат.



Расм. Электрон таълим ресурсларининг таркибий тузилиши.

Электрон таълим ресурсларидаги мустақил таълим машғулоти учун яратилган ўқув-услубий материаллар автоматлаштирилган дастурий воситалар ёрдамида фаолият олиб боради. Автоматлаштирилган ўқув-услубий материаллар таълим олувчиларга керакли мавзулар бўйича маълумотларни тавсия этади ва олган билимларини назорат қилади. Билимларнинг назорати натижасига қараб таълим олувчиларга турли савиядаги топшириқлар тавсия қилинади. Автоматлаштирилган ўқув-услубий таълим воситалари ёрдамида таълим олувчилар ўқитувчининг ёрдамисиз ҳам ўз билимларини ошириб такомиллаштириб бориши мумкин (Тоштемиров, 2015).

Хулоса

Электрон таълим ресурсларини масофали ўқитишда ўрганаётган материалнинг асосий ҳажмини ўқувчиларга етказиш, ўқув жараёнида талаба ва ўқитувчининг интерфаол мулоқоти, талабаларга ўрганаётган материалларни ўзлаштириш бўйича мустақил ишлаш, шунингдек, уларнинг ўқиш мобайнида олган билим ва кўникмаларини баҳолашга имкониятлар яратади.

Адабиётлар рўйхати:

Абдукодиров А.А., Пардаев А.Х. Масофали ўқитиш назарияси ва амалиёти.- Т.: Фан,2009. -146 б.
Алексеев В. Е., Усманов В. В., Фролов В. М. Рекомендации по разработке учебных пособий для дистанционного обучения. - Пенза: ПГТИ,1998. – 256 с.
Тоштемиров Д.Э. Таълим портали: яратиш тамойиллари, мазмуни ва фойдаланиш методикаси. - Гулистон: Университет, 2015. -156 б.

Аннотация

ЗАМОНАВИЙ ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ РЕСУРСЛАРИНИ ЯРАТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ Д.Э.Тоштемиров, Ж.Д.Саидов, Ш.Х.Маматкулов

Мақолада ўқув жараёни учун замонавий электрон таълим ресурсларини яратиш, унинг мақсади, мазмуни, тузилиши ва яратиш босқичлари баён қилинган.

Таянч сўзлар: таълим тизими, ўқув адабиёти, электрон таълим, таълим ресурслари, автоматлаштириш.

Аннотация

СОЗДАНИЕ ТЕХНОЛОГИЙ СОВРЕМЕННЫХ ЭЛЕКТРОННЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ РЕСУРСОВ Д.Э.Тоштемиров, Ж.Д.Саидов, Ш.Х.Маматкулов

В статье описывается создание, назначение, содержание, структура и этапы создания современных электронных образовательных ресурсов для учебного процесса.

Ключевые слова: система образования, учебная литература, электронное обучение, образовательные ресурсы, автоматизация.

Summary

TECHNOLOGY OF CREATING MODERN ELECTRONIC EDUCATIONAL RESOURCES D.E.Toshtemirov, J.D.Saidov, Sh.X.Mamatqulov

The article describes the creation, purpose, content, structure and stages of creating modern e-learning resources for the educational process.

Keywords: educational system, educational literature, e-learning, educational resources, automation.